

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазири ўринбосари



Ж. Аbruев  
«\_\_» 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги биносига энергия сарфини  
камайтирувчи электр жиҳозларини етказиб бериш, ўрнатиш ва ишга  
туширишнинг давлат хариди бўйича

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ.**

Тошкент – 2022 йил

## **МУНДАРИЖА**

### **I-боб. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

1. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар
2. Танловда иштирок этиш учун таклифларни бериш тартиби
3. Иштирокчиларнинг таклифларини қўриб чиқиш ва баҳолаш тартиби

### **II -боб. Танловнинг техник қисми (техник топширик).**

### **III -боб. Танловнинг нарх қисми**

### **IV-боб. Намунавий шартнома лойиҳаси**

## **I-боб. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

1.1. Мазкур энг яхши таклифларни танлаш (бундан буён матнда танлаш деб юритилади) бўйича харид қилиш хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелда қабул қилинган 684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**1.2. Танлашни ўтказиш шакли:** танлаш электрон шаклда, <https://etender.uzex.uz/> электрон манзили орқали очик тарзда ўтказилади.

**1.3. Давлат буюртмачиси:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади).

**1.4. Харид предмети:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги биносига энергия сарфини камайтирувчи электр жиҳозларини етказиб бериш, ўрнатиш ва ишга тушириш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотни танлаш.

**1.5. Харид предметининг бошлангич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шарти:** Жами суммаси ҚҚС билан **62 215 000** сўм. Шартнома имзоланганидан сўнг 5 кун.

**1.6. Молиялаштириш манбаи ва валютаси:** буюртмачининг Молия вазирлиги ахборот тизимида очилган тегишли шахсий ғазна ҳисобвақларидағи маблағлари ҳисобидан. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси сўмда.

**1.7. Тўлов шартлари** шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоиз микдорида олдиндан тўлов амалга оширилади ва қолган маблағ бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича далолатнома ҳамда ҳисоб-фактурага асосан тўлаб берилади.

**1.8. Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги биноси. Манзили: 100017, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Истиқлол кўчаси 29-үй.

**1.9. Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс:** Ишларни бошқариш департаменти директори Дилшодбек Буланов , тел.: (71) 239-13-64 (71) 239-16-15. Манзили: 100017, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Истиқлол кўчаси 29-үй.

**1.10. Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:** таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон килинганидан сўнг беш иш куни давомида электрон шаклда тақдим этилади.

## **1. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар**

- шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;
- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

**Иштирокчи ушбу талабларнинг мослиги бўйича 1-иловага мувофиқ кафолат хати ва коррупцияни олдини олиш учун ариза тақдим этиши шарт.**

### **Эслатма:**

Шартнома бўйича ишларнинг қийматини ҳисоблаш суғурта харажатларини, божхона тўловларини, солиқларни, йиғимларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш, шу жумладан ишларни бажариш доирасида юзага келадиган барча харажатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Харид қилиш ҳужжатларига  
1-илова

№: \_\_\_\_\_ Санаси: \_\_\_\_\_

**Харид комиссияси**  
**КАФОЛАТ ХАТИ**

Мазкур хатни йўллаш орқали сизга ушбу ташкилот

(ташкилотнинг номи кўрсатилади):

- Қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги;
- буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларига киришмаганлиги;
- аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;
- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилмаганлиги;
- солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлигининг мавжуд эмаслиги;
- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилигини тасдиқлаймиз.

Имзо:

Раҳбарнинг Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_  
М.Ў.

## ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКАСИДА

№: \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

Молия вазирлигининг  
харид комиссиясига

коррупциянинг олдини олиш учун

### АРИЗА

Бизлар, биз назорат қиласиган ва бизнинг номимиздан фаолият юритадиган ташкилотлар, аффилик корхоналаримиз, шу жумладан директорларимиз, ходимларимиз, агентларимиз, консоциум ҳамкорларимиз, субпудратчиларимиз, етказиб берувчиларимиз, маслаҳатчиларимиз, субмаслаҳатчиларимиз берилган рухсатнома билан бизнинг номимиздан Молия вазирлиги томонидан ўтказилаётган танлов (тендер) га қатнашганида, шартнома шартларига мувофиқ товарлар етказиб бериш ёки иш-хизматларни бажариш билан боғлиқ жараёнда ҳар қандай тақиқланган амалиётларда (куйида тавсифланган) иштирок этиш холати юзага келганида сизни хабардор қилишни ўз зинмамизга оламиз.

Биз қуидаги тақиқланган амалиётларнинг бўлмаслигини кафолатлаймиз:

- 1) Мажбуурлаш: бир томоннинг ҳаракатларига босим қилиш, ноқонуний таъсир кўрсатиш мақсадида бирон бир томон ёки унинг мулкига бевосита ёки билвосита зарар етказиш ёки таҳдид қилиш;
- 2) тил бириктириш: икки ёки ундан ортиқ томонларнинг номақбул мақсадларга эришиш, шу жумладан иккинчи томоннинг ҳаракатларига нотўғри таъсир кўрсатиш учун келишуви;
- 3) Корруптсия: бошқа томоннинг ҳаракатларига нотўғри таъсир кўрсатиш учун тўғридан-тўғри ёки билвосита бирон бир қимматли нарсани таклиф қилиш, бериш, олиш ёки сўраш;
- 4) фирибгарлик: бир томонни молиявий ёки бошқа манфаатлар учун ёки мажбуриятларни бажаришдан қочиш учун қасдан чалғитувчи ёки чалғитишига уриниш, шу жумладан фактларни нотўғри кўрсатиш ёки нотўғри маълумот бериш;
- 5) Молия вазирлиги маблағлари ва ресурсларини қасдан ёки эҳтиётсизлик билан ўзлаштириш;
- 6) Ўғирлик: бошқа шахсга (иккинчи томонга) тегишли бўлган мулкни ўзлаштириш.

ТЎЛИҚ ИСМИ ШАРИФ.      раҳбар имзоси

М.П.

## **2. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифларни бериш тартиби**

2.1. Танлашда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрланиши лозим. Бунда ҳужжатнинг ўзбек ёки рус тилидаги аниқ таржимаси тақдим этилиши шарт.

2.2. Техник ҳужжатларни инглиз тилида тақдим этилишига ҳам рухсат берилади. Бунда ҳужжатнинг ўзбек ёки рус тилидаги аниқ таржимаси тақдим этилиши шарт.

2.3. Буюртмачи танлаш иштирокчиларидан харид қилиш ҳужжатлари ва қўлланилаётган харид қилиш тартиб-таомили юзасидан тушунтириш бериш тўғрисида сўров олганидан кейин сўралган тушунтиришларни икки иш куни ичида тақдим этади.

2.4. Иштирокчи ҳужжатлар тўпламини <https://etender.uzex.uz/> электрон манзили орқали электрон шаклда топшириши керак.

Тўпламда (техник қисмга оид ва нархга оид таклифлари) бўлиши керак.

2.5. Иштирокчи:

- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади;
- фақат битта таклиф беришга ҳақли;
- таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Таклиф иккита қисмдан ташкил топади:

1) техник қисм буюртмачининг техник талабларига мос бўлиши ва таклиф этилаётган товар (иш, хизмат) ҳақида тўлиқ маълумотни акс эттириши керак;

2) нарх қисми танлаш шартларига мувофиқ бўлиши ҳамда бошланғич нархдан юқори бўлмаслиги лозим:

Танлаш таклифи қўйидаги усулда расмийлаштирилади:

- Электрон тарзда <https://etender.uzex.uz/> электрон манзили орқали ;
- техник қисмга оид таклиф;
- нарх қисмига оид таклиф.

2.6. Танлаш таклифи харид ҳужжатларида белгиланган муддат давомида амал қиласи. Иштирокчиларнинг танлаш таклифининг амал қилиш муддати танлаш таклифлари тақдим этиш муддати тугаган кундан бошлаб камида 30 кунни ташкил этиши керак.

2.7. Харид комиссияси танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишининг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

2.8. Харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор харид комиссиясининг мажлисларида қабул қилинади.

### **3. Иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тартиби**

3.1. Таклиф таминоти таъминланмаган иштирокчиларни таклифлари харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

3.2. Иштирокчиларни техник қисмга оид таклифлари малака танловидан ўтган камида икки нафар иштирокчининг таклифлари мавжуд бўлган тақдирдагина кўриб чиқилади ва баҳоланади.

3.3. Иштирокчиларни нарҳ қисмига оид таклифлари техник қисмга оид таклифлари техник хусусиятларига доир талаблар мос бўлган камида икки нафар иштирокчининг таклифлари мавжуд бўлган тақдирдагина кўриб чиқилади ва баҳоланади.

3.4. Агар таклифни киритган танлаш иштирокчиси Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ти Қонунида белгиланган талабларга мос келмаса ёхуд танлаш иштирокчисининг таклифи харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмаса, харид комиссияси таклифни рад этади.

3.5. Баҳолаш пайтида харид комиссияси иштирокчиларидан таклифлари бўйича тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳияти, шунингдек нархи юзасидан бирор-бир ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.

3.6. Арифметик ёки бошқа хатоликлар аниқланган тақдирда харид комиссияси иштирокчиларини хабардор қилган ҳолда, таклифини рад этиш ёки келгусида кўриб чиқишининг бошқа шартларини белгилаб беришга ҳақли.

3.7. Чет эллик ва маҳаллий иштирокчиларнинг таклиф этаётган нархларини объектив тарзда таққослаш мақсадида баҳолаш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тегишли харажатлар ҳисобга олинади (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар).

3.8. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан ошиши мумкин эмас.

3.9. Иштирокчиларни таклифлари жўнатилган техник ва нарҳ қисмига оид тижорат таклифларини кўриш жараёни буюртмачи томонидан электрон тариизда амалга оширилади.

3.10. Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборотнинг ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида танлашда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

3.11. Иштирокчиларнинг таклифлари харид қидиши ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш мақсадида харид комиссияси комиссия аъзолари ва мустақил эксперталардан, тор доирадаги мутахассислардан иборат бўлган ишчи гурӯҳ тузишга ҳақли.

3.12. Малака танловидан ўтган иштирокчиларни техник ва нарх қисмига оид таклифларини баҳолаш харид комиссияси томонидан икки босқичда амалга оширилади.

- Миқдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг мезонлари бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва таққослаш харид комиссияси томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади.

- Танлаш таклифининг миқдорий кўрсаткичларини, шу жумладан, нарх қисмини баҳолаш давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда амалга оширилади.

3.13. Харид комиссияси ғолибни аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни харид қилиш ҳужжатларида қайд этилган мезонлар асосида баҳолашни амалга оширади.

3.14. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда:

-танлаш таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда);

- танлов таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра электрон танловда иштирок этишини давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (**энг паст нарх усули**) ғолиб сифатида аниқлайди.

3.15. Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

3.16. Таклифларни кўриб чиқиши ҳамда баҳолаш натижалари электрон баённомада қайд этилади.

## 1 босқич. Таклифларни техник жиҳатдан баҳолаш.

Танлаш таклифларининг техник қисмга оид ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Техник баҳолашдан ўтмаган (балл бериш якунлари бўйича 0 балл олган) танлаш таклифлари кейинги босқичга қўйилмайди.

<b>№</b>	<b>Мезон</b>	<b>Баҳолаш</b>	<b>Изоҳ</b>
1	Иштирокчининг бюуритмани бажарувчи малакали ходимларининг мавжудлиги.	Мавжуд /Мавжуд эмас (1/0)	Тасдиқловчи ҳужжаталар илова қилинади.  Ходимлар тўғрисида маълумот, уларнинг иш тажрибасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари
2.	Шартнома имзолаш учун қонуний хуқуқнинг мавжудлиги	Ҳа/Йўқ (1/0)	Тасдиқловчи ҳужжаталар илова қилинади.  Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома
3.	Худди шунга ўхшаш ишларни бажарганлиги тўғрисида маълумот тақдим этиш.	Ҳа/Йўқ (1/0)	Тасдиқловчи ҳужжатлар: тузилган шартномалар ва бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномалар нусхалари
4.	Техник таклифи	Мос келади/ Мос келмайди (1/0)	Агар мавжуд бўлмаса таклифлар кўриб чиқилмайди
5.	Кафолат хати	Ҳа/Йўқ (1/0)	Агар мавжуд бўлмаса таклифлар кўриб чиқилмайди
6.	Коррупциянинг олдини олишга ариза	Ҳа/Йўқ (1/0)	Агар мавжуд бўлмаса таклифлар кўриб чиқилмайди

## **2 босқич. Таклифларни нарх жиҳатдан баҳолаш**

Харид комиссияси томонидан техник баҳолаш ўтказилгандан сўнг, танлаш таклифининг нарх қисмига оид хужжатлари асосида амалга оширилади.

*Нарх жиҳатдан баҳолаш электрон тизим томонидан автоматик равиша иштирокчининг тақдим этган нарх таклифига мутаносиб равиша баҳоланади.*

№	Мезон	Баҳолаш	Изоҳ
1.	<u>Энг паст нарх</u>	Энг паст нарх энг юқори баҳоланади. Энг юқори нарх энг паст баҳоланади.	

## **II -боб.Танловнинг техник қисми (техник топшириқ).**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги биносига энергия сарфини камайтирувчи электр жиҳозларини етказиб бериш, ўрнатиш ва ишга тушириш.

**Ишнинг мақсади:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги биносида электр энергиясини сарфини камайтириш ва тежамкорликни таъминлаш.

**Ишларни бажариш муддати:** Ускуналарни етказиб бериш ва ўрнатиш 5 календар куни мобайнида.

**Ўрнатиладиган ускуналар ва уларга қўйиладиган талаблар:**

T/p	Номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Талаб
1	Нур масофаси камида 5 м бўлган, 360 даражали ҳаракат сенсори	дона	119	Давлат стандарти талабларига мос бўлиши лозим

**Ўрнатишда фойдаланиладиган материаллар ва уларга қўйиладиган талаблар:**

T/p	Номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Талаб
1	Махсус қопланган мис ўрамли 3*1.5 кабел	метр	600	Давлат стандарти талабларига мос бўлиши лозим
2	Диаметри 15 мм бўлган кабелларни изоляция қилувчи гофра	метр	600	Давлат стандарти талабларига мос бўлиши лозим
3	Зарур маҳкамлагичлар	Кг	6	

**Ишларни бажариш ва жиҳозларни ўрнатишрга қўйиладиган талаблар:**

1	Ўрнатиш жойи	Ускуналарни ўрнатишнинг техник талаблари, ҳамда бинонинг коммуникация тизимларининг жойлашувини инобатга олган ҳолда ускуналарни ўрнатиш жойларининг чизмаси тайёрланади ва буюртмачи билан келишилади.
2	Ташқи деворларга кабеллар ётқизиш мақсадида бурғулаш	Бурғулаш жараёнида бинонинг коммуникация тизимларига шикаст етказмаслик, деворларнинг пардоз қатлами ва бўёқларини кўчишига йўл қўймаслиги лозим.

	(тешиклар очиш) ишлиарини бажариш	Ушбу жараёнда етказилган заарар пудратчи томонидан қопланади.
3	Буюртмачининг мутахассисларини тайёрлаш	Ускунани ишга тушурганидан сўнг, буюртмачининг ходимларига асбоб-ускуналарни ишлатиш қоидалари ва турли ишлаб чиқариш шароитларида ускуна билан мустақил ишлаш бўйича кўрсатмалар бериши керак.
4	Ускунани ишга тушириш	Бажарилган ишлар ҳар бир жиҳознинг микдори, техник талабларга мувофиқлиги ва келишилган чизмага асосан ўрнатилганлиги бўйича қабул қилинади. Ўрнатилган жиҳозлар сертификатланган ва Давлат стантартига мувофиқ юқори сифатли бўлиши керак.

### III -боб. Танловнинг нарх қисми

<b>Молиялаштириш манбаси</b>	Буюртмачининг бюджетдан ташқари маблағлари
<b>Бошланғич нархи</b>	<b>ҚҚС билан 62 215 000 сўм</b>
<b>Тўлов шартлари</b>	шартнома кучга кирганидан сўнг <b>30 фоиз</b> микдорида олдиндан тўлов амалга оширилади ва қолган маблағ бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича далолатнома ҳамда ҳисоб-фактурага асосан иш тўлиқ якунланганидан сўнг тўланади.
<b>Тўлов валютаси</b>	миллий валюта сўм.

#### **IV. НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА ШАКЛИ**

**-сонли шартнома**

**Ўзбекистон Республикаси** \_\_\_\_\_ тўғрисида

Тошкент шаҳри

20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_

номидан низом асосида иш юритувчи  
“Бажарувчи” деб юритилади) бир томондан (бундан буён матнда  
**вазирлиги** номидан ҳамда **Ўзбекистон Республикаси Молия**  
асосида иш юритувчи,  
иккинчи томондан (бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилади)  
куйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

#### **I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1 “Бажарувчи” ушбу Шартномага мувофиқ  
хизматларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. “Буюртмачи” ушбу  
хизматларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг қатъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу  
шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

#### **II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

##### **2.1 Буюртмачининг ҳуқуқлари:**

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз  
хоҳишига қўра қуидагиларни талаб қилиш:
- камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи  
шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
- баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
- шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада  
бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

##### **2.2 Буюртмачининг мажбуриятлари:**

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган  
хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

##### **2.3 Бажарувчининг ҳуқуқлари:**

– буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;

– буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равища рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

#### 2.4 Бажарувчининг мажбуриятлари:

– ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириқقا биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;

– агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

### III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1 Ушбу шартноманинг баҳоси \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_ ) сўм, ҚҚС билан (ҚҚС сиз)

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2 Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ва ҳисоб фактура имзоланиб, Молия вазирлиги ғазначилиги томонидан рўйхатдан ўтказилганидан кейин ўн иш куни ичида амалга оширилади.

3.3 Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1 Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун хужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2 Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3 Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварақ-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Шахсий ғазна ҳисобварақдаги маблағлар айланмаси түғрисидаги күчирмада күрсатилған сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.4 Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5 Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда күрсатилған хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6 Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни күрсатиш худди шу техник топшириққа киритилған бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7 Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилған ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (кўлда), поча орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (кўлда) қабул қилганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8 Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилған санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда мижозга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2 Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилған техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.3 Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида этказилган зарарни қоплайди.

5.4 Хизматлар кечикирилған ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечикирилған кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган

қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.5 Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6 Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7 Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

## **VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

6.1 Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2 Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шахар туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

## **VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ**

7.1 Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиласидан ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнгин, тошқин, зилзила, бошқа табиий оғатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, терористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қиласа, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2 Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг таҳминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичida хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган

ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида заарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3 Хабарномада қўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш хуқуқидан маҳрум қиласди.

7.4 Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5 Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиласди бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишининг кутилаётган санасидан 10 (үн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш хуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган заарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

## VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1 Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2 Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши қурашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3 Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда қўрсатилмаган бошқа усувлар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуидагилар тушунилади:

– бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;

– ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;

– амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;

– ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффоғлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4 Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қиласди. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишビルармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бирбирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўtkазиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.5 Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.6 Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.7 Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўгрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

## **IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

9.1 Ушбу шартнома ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

9.2 Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

## X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1 Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2 Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қиласди.

10.3 Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4 Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Бажарувчи: _____ _____	Бажарувчи: _____ _____
P/c: _____	P/c: _____
Банк реквизитлари: _____	Банк реквизитлари: _____
МФО _____	МФО _____
ИНН: _____	ИНН: _____
ОКЭД: _____	ОКЭД: _____
Буюртмачи: _____	Буюртмачи: _____
М.ў	М.ў

20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_даги  
—сонли шартномага  
1-илова

## СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Товар (иш, хизмат) номи	Ўлчо в бирли ги	Сони
1			
...	...	...	...

Буюртмачи: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

М.ў

Бажарувчи: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

М.ў